O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 29 июль, №154 (3266) Сешанба

# ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ — БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизда ушбу муборак санани бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқариш, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу юмушларни адо этиш билан муносиб кутиб олиш хайрли анъанага айланган.*

*Истиқлолимизнинг 12 йиллик тўйи тантаналарини кўтаринки руҳда кутиб олишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, айниқса, муҳим омил бўлмоқда.*

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида таъкидлаганидек, ўтган даврда республикамизда кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давом этаётир. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий жабҳалар билан бирга ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Олис ва шонли тарихимизни, неча минг йиллик миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг муборак номлари ва улуғ меросларини эъзозлаш, тиклаш ва абадийлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларимиз ўртасида маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, улар онгу шуурига Мустақилликни қадрлаш ва асраб-авайлаш, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдириш, шунингдек, кишиларимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш доимий эътиборда.

Ёш авлодни соғлом ва эркин фикрли, кенг тафаккурли, баркамол, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказишдек хайрли иш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси, шакшубҳасиз, олий мақсадимиз — эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини тараққий топган демократик мамлакатлар даражасига кўтаришга қаратилган. Бу йўлда эришган ютуқларимиз эса ана шу буюк мақсад сари дадил одимлаётганимизнинг далолатидир.

Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар Истиқлол шарофати туфайлидир. Шундай экан, халқимиз орзиқиб кутадиган кун — Мустақиллик байрами муносабати билан бу йил ҳам юртимизда кенг миқёсли тантана ва тадбирлар ташкил этилаётгани бежиз эмас.

Айтиш жоизки, асосий эътибор мамлакатимиз бош майдонида бўлиб ўтадиган катта байрам тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишга йўналтирилган. Истиқлолимизнинг 12 йиллиги ҳар галгидан ҳам жозибали, шукуҳли, бетакрор ўтиши учун бу ерда барча ташкилий, қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, бадиий-саҳна томошалари тайёргарлиги авжида.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ана шулар ҳақда фикр юритилди.

Ҳар галгидек Президентимиз томонидан комиссия аъзоларига Мустақиллик байрамини ўтказиш борасида берилган аниқ топшириқлар асосида Республика миқёсидаги чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Тадбирлар "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизникидир!" шиори остида ўтказилиши таъкидланди.

Бу йилги асосий байрам тантаналарида истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни, миллий ғоя, ватанпарварлик, фидойиликни мадҳ этувчи, Обод маҳалла йилида амалга оширилаётган эзгу ишлар, бунёдкор ёшлар ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бадиий дастурлар намойиш этилади. Байрам баҳона санъатимизнинг янги қирралари намоён бўлади, янги-янги истеъдодлар кашф этилади. Замонавий куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, ранг-баранг томошалар яратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида байрам тантаналари ҳамда халқ сайилларини ўтказиш учун қизғин ҳозирлик бормоқда.

Байрам арафасида анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Анъанавий "Ўзбекистон - Ватаним маним" қўшиқ байрамининг якуний концерти ҳамда "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлган истеъдодли ижрочиларни тақдирлаш маросими ўтказилади.

Истиқлол байрами тадориги доирасидаги ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ва илмий-ижодий тадбирлар Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, шунингдек, Нукус шаҳрининг 70 йиллиги юбилейларига тайёргарлик ишлари билан ҳам узвий боғлиқликда олиб борилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий санъат усталари томонидан яратилган энг сара асарлар жамланиб, альбом шаклида чоп этилади. Таниқли ва ёш иқтидорли рассомлар, халқ амалий санъати усталарининг турли кўргазма ва танловлари, фотокўргазмалар ташкил этилади.

Байрам муносабати билан янги ҳужжатли ва видеофильмлар, спектакллар, китоблар яратилади. Янги кутубхоналар очилади.

Таниқли ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, олимлар, санъаткорлар, маънавий-маърифий тарғибот соҳаси ходимларининг қишлоқ меҳнаткашлари, ишчи-хизматчилар, ёш авлод вакиллари билан мулоқотлари бўлиб ўтади. Жаҳон ва олимпия чемпионлари, халқаро кўрик-танловлар ғолиблари, Президент стипендияси ва давлат мукофотлари соҳиблари билан ҳам жойларда учрашувлар ўтказиш мўлжалланган.

"Обод маҳалла йили" дастури вазифалари ижросига қаратилган кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, ободонлаштириш ойлиги, умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилади. Байрам арафасида қуриб битказилган, қайта таъмирдан чиқадиган болалар спорти иншоотларининг тантанали очилиш маросимлари бўлади.

Қутлуғ айём олдидан қариялар ва ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари йўқланади, қаровчиси йўқ кексалар, кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундай кенг кўламли тадбирларни ўтказишдан мақсад мустақиллик ва унинг қадр-қимматини, бу сана Ватанимиз тарихида, жамиятимиз ҳаётида, халқимизнинг тақдири ва келажагида нақадар буюк аҳамиятта эга эканини, келгуси авлодларнинг мустақил давлат, ҳур ва озод мамлакат тариқасида бутун дунё, аввало, демократик ҳамжамият билан биргаликда яшашига катта асос ва мустаҳкам пойдевор қўйганини кишиларимизга муносиб тарзда етказишдан иборатдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. (ЎзА мухбири Лутфулло СУВОНОВ).*

Фаоллар йиғилишида 2003 йилнинг биринчи ярмида вилоят иқтисодиёти ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда галдаги вазифалар муҳокама этилди.

Унда вилоят ҳокими У.Мирзақулов маъруза қилди.

## ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНИ

Вилоятда ўтган давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий соҳалар изчил ривожланди. Хусусан, биринчи ярим йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 100,9 фоизни ташкил этди. Саноат, истеъмол, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Лекин, вилоятда муаммо ва камчиликлар ҳам оз эмас, дейилди йиғилишда.

Фаоллар йиғилишида мавжуд камчиликларга барҳам бериш, айниқса, оқсаётган соҳаларни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов иштирок этди.

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

## ЎЗБЕК НОНИ

***Қайси бир замонда, қайси бир Султон***
***Топибди ақчани, топибди шонни.***
***Ва лекин дуч келиб тақдир беомон,***
***У орзу қилибди бир бурда нонни.***

***Бир улуғ аллома фикрин айлаб жам,***
***Сўзимни маталга йўйманглар, дебди.***
***Токчага бўй чўзсанг, Қуръон турса ҳам,***
***Нонга сира оёқ қўйманглар, дебди.***

***Нон ва Ўзбекистон уйқашдир азал,***
***Бу юртга не эллар нон деб келганлар.***
***Саргашта қушлар ҳам доим, галма-гал***
***Бу юртдан ризқини териб еганлар.***

***Юртим, буюклигинг билди кенг жаҳон,***
***Тўлди омборларинг ўз донинг билан.***
***Сийлайсан оламни ёзиб дастурхон,***
***Меҳнатдан яралган шу нонинг билан.***

***Сени ушбу кунда***
***қутлайман, юртим,***
***Ризқингни бут қилди***
***олтин хирмоним.***
***Ҳар иссиқ нонингни***
***қуёшдай кўрдим,***
***Дунёга нон берган***
***Ўзбекистоним!***



Олий Мажлисда



## КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Жиноятга жазо муқаррар!.. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, бизнинг мамлакатимизда жиноятлар даражасига қараб, саккиз тур жазо чораси қўлланади. Улардан бири айбдорни озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ҳисобланади. Унга кўра, маҳкум суд ҳукмидан сўнг ўзи муқаддам меҳнат қилган жамоага ёки жазоларни ижро этишга масъул милиция бўлинмалари тайинлаган жойга юборилади. Белгиланган муддатни ўташ билан боғлиқ кейинги жараёнлар республика Жиноят-ижроия кодекси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 17 ноябрдаги 298-сонли буйруғи асосида ташкил этилади.

Хўш, бу борада Тошкент вилоятида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Улар пировард-натижада нечоғли самара бермоқда?

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳ яқинда ана шу муаммони назорат-таҳлил тариқасида ўрганиб чиқди. Аниқланишича, вилоятнинг мазкур юмушга мутасадди милиция бўлинмалари зиммаларидаги вазифаларни бажариш йўлида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Бироқ улар фаолиятида қатор камчилик ва муаммолар ҳам бор. Чунончи, ушбу турдаги жазолар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш яхши йўлга қўйилмаган. Маҳкумларни ишга тақсимлашга доир кўрсатмалар вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан вақтида юборилмагани

**(Давоми 2-бетда).**

Мустақиллик иншоотларида





## *Кичик ҳалқа йўли:*
# ҚУРИЛИШ ҚИЗҒИН

Мустақиллигимизнинг 12 йиллик тўйи яқинлашган сайин юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида энг улуғ, энг азиз байрамимизга атаб қурилаётган иншоотларда иш қизигандан қизиб боряпти. Чунки ҳар бир жамоа байрамга ўзига хос совға билан келишни истайди.

Пойтахтимизнинг Кичик ҳалқа йўли шундай иншоотлар сирасига киради. Бу йўлни қуриш 2001 йилда Президентимиз ташаббуси билан бошланган эди. Тошкентнинг кундан-кунга кенгайиб бориши, транспорт оқимининг кўпайиб, йўлларга сиғмай қолаётгани шуни тақозо этарди. Ўша йили йўлнинг Амир Темур кўчасидан Фарғона йўли кўчасигача бўлган биринчи қисми фойдаланишга топширилди. Йўлсозлар 6,5 километрлик янги йўл қуриб, 1,8 километр йўлни бутунлай янгитдан таъмирладилар. Шунингдек, умумий узунлиги 245 метр бўлган тўртта кўприк ҳам бунёд этилди.

Истиқлолимизнинг 11 йиллиги арафасида йўлнинг иккинчи қисми фойдаланишга топширилди. Авлиё ота кўчасидан бошланиб, Бобур, Ҳамза Умаров кўчалари орқали Усмон Носир кўчасигача давом этган бу йўлнинг узунлиги 6,3 километрдан иборат. Фарҳод ва Усмон Носир кўчалари чорраҳасида бунёд этилган кўприк, айниқса, шаҳар аҳолиси ва ҳайдовчилар учун катта қулайлик бўлди. Узунлиги 385 метрни ташкил этган бу кўприк пойтахтимизнинг аҳоли зич жойлашган Чилонзор ва Акмал Икромов туманларини шаҳар темир йўл вокзаллари, аэропорт билан боғлади. Ҳатто, бугун Чилонзордан Паркент бозори ёки Буюк Ипак йўли кўчаси томон борадиган ҳайдовчилар ҳам марказ орқали эмас, Кичик ҳалқа йўлдан юришмоқда. Бунинг сабаби битта: йўл кенг, равон ва текис. Ҳар қадамда светафор учраб, вақтни олмайди.

Шу кунларда Тошкент Кичик ҳалқа йўлининг учинчи қисмида ҳам иш қизғин. Жанубий вокзалдан Уйғур кўчасигача чўзилган 7,5 километрлик масофада йўлсозлар ўзгача ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Йўлнинг эни 32-37 метр бўлади. Бу дегани, бир йўла икки томонга саккиз қатор машина сиғади. Ҳозир бу ерда 14 дан зиёд турли ташкилот ва фирмалар вакиллари бўлган 600 дан кўпроқ йўлсозлар уч сменада меҳнат қилмоқда.

Кичик ҳалқа йўлининг Улуғбек ва Уйғур кўчалари кесишган жойида эни 40 метр, узунли 75 метрлик кўприк (транспорт ечими) қурилмоқда. Биз якшанба куни шу ерга бориб, қурувчилар билан учрашдик. Дам олиш куни бўлишига қарамай одам гавжум. 200 га яқин қурувчи иш билан банд. Кўтарма кранлар бир зум тинмайди. Машиналарда асфальт келтирилиб, пешма-пеш ётқизилмоқда.

— Билсангиз, шу чорраҳа транспорт учун жуда ноқулай эди, — дейди «Тошметроқурилиш» трестининг механизациялаштириш бошқармаси бошлиғи Камолхон Норхўжаев. — Бу ерда тез-тез автоҳалокатлар бўлиб турарди. Етти ой бурун биз шу чорраҳада туннел ва кўприк қурилишини бошладик. Асосий ишлар деярли битди. Ҳозир йўл четига тўсиқлар, ёритиш ускуналари ўрнатиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда бизнинг «Тошметроқурилиш» трестимиздан ташқари, Иккинчи қурилиш-монтаж бошқармаси, «Паркентсувқурилиш» трести, «Алист-полимест» масъулияти чекланган жамияти, «Элеком» хусусий фирмаси ва бошқа қурилиш ташкилотлари ишчилари ҳам меҳнат қилмоқда. Таъкидлаш керакки, ҳаммаси ўзига бириктирилган ишларни аъло даражада уддалаяпти.

Кўприк ва туннел ёнида қандайдир бино ҳам қурилаётган экан. Ҳамма йўл қурилиши билан банд бўлган пайтда ким бино қураяпти экан деган қизиқиш билан ўша ерга бордик.

— Бу ерда Ойдин Собирова маҳалласининг гузари қурилаяпти, — дейди маҳалла оқсоқоли Жўрабек Соипов. — Кичик ҳалқа йўл қурилиши муносабати билан маҳалламизнинг аввалги маркази бузилиб кетди. Президентимизга, ҳукуматимизга раҳмат, бюджет ҳисобидан замонавий гузар қуриб бераяпти. Маҳалламиз аҳли ҳам қараб тургани йўқ. Гузар ёнидаги қўшимча биноларни ўзимиз ҳашар йўли билан тикладик.

Бугун пойтахтимиз катта қурилиш майдонига ўхшайди. Қаерга қараманг, кимдир, нимадир қуриш, яратиш билан банд. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиздаги тинчлик, тотувлик, фаровонлик мевасидир.

**СУРАТЛАРДА: кўприк қурилишида; «Тошметроқурилиш» трестининг механизациялаштириш бошқармаси бошлиғи Камолхон Норхўжаев ва экскаваторчи Сервер Рамазонов иш устида.**

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# КЎСАК ҚУРТИ — ҲОСИЛ КУШАНДАСИ

*Бу йилги об-ҳаво пахтакорларимизни ҳар қачонгидан жиддийроқ синовдан ўтказмоқда. Баҳорнинг серёғин ва ёзнинг нисбатан салқин келгани боис далалардаги ғўза ривожи бироз орқада қолмоқда. Бироқ, шунга қарамай, тажрибали миришкорларимиз ғўза ривожидаги қолоқликни йўқотибгина қолмасдан, кўзланган даражада ҳосил тўплашга эришди.*

Ҳароратнинг салқин келаётгани пахтакорлар учун ортиқча ташвиш туғдирмоқда. Далаларда кўсак қурти, ўргимчаккана, шира ва трипс каби зараркунанда ҳашоратлар кўпаймоқда. Мутахассисларнинг кузатишича, бугунги кунда 130 минг гектардан ортиқроқ майдонга ғўзанинг энг ашаддий кушандаси — кўсак қурти тарқалган.

Ушбу зараркунанда, айниқса, Избоскан, Олтинкўл, Шаҳрихон, Амударё, Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа, Яккабоғ, Чироқчи, Шаҳрисабз, Уйчи, Мингбулоқ, Гулистон, Зарбдор, Зомин, Оққўрғон, Пастдарғом, Учкўприк, Бувайда, Риштон, Боғдод, Қўшкўпир, Гурлан, Янгибозор каби туманларда далалаги ҳосилнинг катта қисмини нобуд қилаётгани кузатилмоқда. Агар бу туманларда кўсак қуртига қарши жиддий курашилмаса, аксарият майдонлардан пахта ўрнига, фақат ғўзапоя йиғиштириб олишга тўғри келиб қолиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши кураши масалалари муҳокама этилган кенгаш йиғилишида шу ҳақда гап борди. Унда алоқадор вазирлик, компания ва муассасалар раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Текширишлар натижасида номи зикр этилган туманларда иш қониқарсиз ташкил этилгани, дала назоратчилари номигагина фаолият кўрсатаётгани, хўжаликлар раҳбарлари бу ишга масъулиятсизлик билан ёндошаётгани маълум бўлди.

Йиғилишда пахтачиликда август ойи ўта муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Бу вақтда ҳосилга ҳосил қўшилади. Айни пайтда эса барча жойларда кўсак қуртининг энг кучли учинчи авлоди ривожланади ва кенг тарқалади. Бу эса пахтакору мутахассислардан янада эътиборли бўлишни, кўсак қурти ва ўргимчакканага қарши жиддий ва самарали кураш олиб боришни тақозо этади. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга малакали мутахассислардан иборат гуруҳлар жўнатиладиган бўлди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**



Хушхабар

# «Мен ҳам чемпионман»

— Энди мен ҳам чемпионман, — дейди эндигина етти ёшга тўлган қашқадарёлик (суратда) Шерзодбек Қурбонов.

— Жаҳон чемпионатларида қатнашиб, олтин медаль олишни жуда-жуда орзу қилардим. Дўстларим Нодир ва Достонлар Германиядаги чемпионатда олтин медаль олганида, очиғи, ҳавасим келганди. Омадим келиб, мен ҳам Грецияда бўлган жаҳон кубоги баҳсларида ана шундай унвон соҳиби бўлдим.

Грецияда болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича жаҳон кубоги мусобақаларида жамоавий кумитэ беллашувларида ғолиб бўлган Шерзодбек билан суҳбатлашсангиз унинг қувончи еру кўкка сиғмаслигига гувоҳ бўласиз. Дарвоқе, жаҳоннинг 31 мамлакати ёш спортчилари қатнашган мазкур нуфузли мусобақада каратэчиларимиз тўрт олтин, беш кумуш ва тўрт бронза медали соҳиби бўлишиб, умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашди.

— Йигитларимизнинг бу муваффақияти мустақиллигимизнинг ўн икки йиллик тўйига кичик тўёна, — дейди табрикларни қабул этаётган Ўзбекистон каратэ Миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов.

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

## «ЎЗБЕКИСТОН: АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК»

*ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).*

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида таниқли фотожурналист, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги - ЎзА фотомухбири Рустам Шагаевнинг “Ўзбекистон: анъана ва замонавийлик” мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди. Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган мазкур кўргазма ЎзА, Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академия ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи ташаббуси билан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Бадиий академия раиси Турсунали Қўзиев, ЎзА бош директори Маматқул Ҳазратқулов, маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов истиқлол йилларида миллий санъатимизнинг барча турлари сингари фотосанъат ривожига ҳам катта эътибор берилаётганлигини таъкидлади.

Рустам Шагаев ижоди бунга ёрқин мисолдир. У бугунги кунда Ўзбекистон фотожурналистикаси соҳасида ўз ўрни ва мавқеига эга ижодкор. Унинг “Шарқ дурдонаси”, “Афғон кундалиги”, “Болалар - келажагимиз”, “Менинг жонажон пойтахтим” каби кўплаб кўргазмалари муваффақиятли намойиш этилган.

Бу галги кўргазмада фотоустанинг мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, фидойи ватандошларимиз, миллий урф-одатларимиз, гўзал анъаналаримиз акс этган ёрқин ва ранг-баранг фотосуратлари намойиш этилмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 29 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 644,87 | 1 Польша злотийси | 254,42 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1577,10 | 1 СДР | 1366,02 |
| 1 Дания кронаси | 150,45 | 1000 Туркия лираси | 0,69 |
| 1 БАА дирхами | 265,31 | 1 Швейцария франки | 722,65 |
| 1 АҚШ доллари | 974,42 | 1 ЕВРО | 1117,85 |
| 1 Миср фунти | 159,09 | 10 Жанубий Корея вони | 8,26 |
| 1 Исландия кронаси | 12,72 | 10 Япония иенаси | 81,80 |
| 1 Канада доллари | 704,62 | 1 Россия рубли | 32,14 |
| 1 Хитой юани | 117,72 | 1 Украина гривнаси | 182,76 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,46 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Банк тизими



## ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

«Ўзсаноатқурилишбанк» нақд пулсиз шаклда кўрсатадиган хизмат турларини кенгайтирмоқда. Тўлов карточкалари бўйича қўшимча хизмат манбаларини ривожлантириш банк фаолиятининг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунга мижозлар учун қулай бўлган савдо нуқталари тармоғини кенгайтириш, ёқилғи қуйиш шохобчаларида жисмоний ва юридик шахслар учун пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатишни жорий этиш киради.

Қайд этиш лозимки, 2000 йил июль ойидаёқ «Ўзсаноатқурилишбанк» лимитланган ёнилғи-мойлаш материалларини ҳисоб-китоб қилиш учун юридик шахсларга пластик карточкалар чиқара бошлаган эди. Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари, суюқ ва сиқилган газни реализация қилиш тизимини тартибга солиш, улардан фойдаланиш ва автотранспорт воситаларини эксплуатация қилишни кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йил 31 декабрдаги 542-сонли қарорига асосан қабул қилинган. Бу турдаги хизмат автотранспорт воситалари эгаларига ҳам, пластик карточка бўйича хизмат кўрсатувчи ёқилғи қуйиш шохобчаси ходимлари учун ҳам жуда қулай эканлиги маълум бўлди. Шу билан бирга нефть маҳсулотлари автомат тарзда ҳисоб-китоб қилинмоқда. У автотранспорт воситалари эгалари учун биринчи галда лимитланган ёнилғидан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олади. Ҳозирда АЁҚШ бўйича пластик карточкалар асосида хизмат кўрсатишнинг кундалик тушуми ўртача 2 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида банк 2001 йилдан бошлаб жисмоний шахслар учун ҳам шундай карточкаларни чиқара бошлади. Шунингдек, шу усулда ойлик иш ҳақини бериш бўйича лойиҳаларни татбиқ этмоқда. Мазкур лойиҳалар банк филиалларида ва «Ўзсаноатқурилишбанк» мижозлари бўлган корхоналарда жорий қилинган. Масалан, республикамиздаги йирик корхоналардан бири — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг 1,5 минг нафардан ортиқ ходими иш ҳақини пластик карточкалар бўйича олмоқда. Хизмат кўрсатиш қулай бўлиши учун банк ходимлари банкоматдан фойдаланмоқда. Бундан ташқари, ходимлар коммунал хизмати ва бошқа тўловларни банкнинг жамғарма кассалари орқали амалга ошириши мумкин.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг пластик карточка эгалари терминал жиҳозлар ўрнатилган жамғарма кассаларига нақд пул киритишлари ва олишлари мумкин. Бундай жамғарма кассалари тармоғи тобора кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари, ушбу жамғарма кассаларида коммунал хизмат, жарима ва бошқа тўловларни амалга ошириш имконияти бор. Шу мақсадда банкда хизмат кўрсатишнинг қулай ва фойдали тарифлари ишлаб чиқилган ҳамда жорий этилган.

Бугунги кунда банкнинг карточка хизматидан 600 дан ортиқ юридик ташкилот фойдаланмоқда. Шунингдек, юридик шахслар учун 2500 та, жисмоний шахслар учун эса 6000 дан ортиқ карточка чиқарилган.

Мижозлар учун шу нарса жуда қулайки, пластик карточкалар чиқариш билан боғлиқ барча харажатларни банк ўз бўйнига олади. Айни пайтда банк йиллик 36 фоиз тўловни ҳар ойда босқичма-босқич бериб боради.

«Ўзсаноатқурилишбанк» халқаро «Visa International» тўлов тизимининг ишончли аъзосидир. Ушбу тўлов тизими бутун дунё бўйича пластик карточка асосида хизмат кўрсатишнинг кенг тармоғига эга. Шу боис «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг халқаро пластик карточка эгалари дунёнинг ҳар қандай нуқтасида бундай хизматдан фойдаланишлари мумкин. Бу билан мижозлар нақд пул билан боғлиқ турли хатарларсиз эркин муомала қиладилар.

Келгусида ҳам пластик карточкалар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш республика оборотида бўлган нақд пул ҳажмини ҳамда давлатнинг қоғоз пуллар муомаласи учун сарфланадиган харажатларини камайтириш имконини беради. Бу эса республикамиз аҳолисининг катта қисмини яшаш жойидан қатъий назар имкон қадар банк хизматларидан фойдаланишга яқинлаштиради. t




JAPAN
Official Development Assistance

“Let’s study in Japan!”

JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) PROGRAM (2004-2005)

**Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan for the Japanese fiscal year of 1999-2000.**

**The objective of JDS Program is to provide nationalities of Uzbekistan with opportunities for academic research at Japanese higher educational institutions (hereinafter referred to as “universities”) in order to support the Government of Uzbekistan in its efforts to facilitate its own plans for human resource development, specifically for transition to market economy. And thereby it extends and enhances the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.**

**The JDS Program targets young government officers for public sector, researchers, business people and others with the potential to play leadership roles in their specialties after their return to Uzbekistan as well as to become leaders of Uzbekistan in the 21st century.**

**Under this Program, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for Master levels.**

1. QUALIFICATION AND REQUIREMENTS FOR APPLICANT
(1) Nationality: Applicants must be citizens of Uzbekistan
(2) Age: Applicants must be between 22 and 35 years old as of April 1st, 2004
(3) Work experience:
Applicants are required to have more than 2 years work experience, recorded in Workbook.
For those who are applying for the field of Business Management, more than 3 years of related work experiences, recorded in Workbook, are required.
(4) Academic Background: Applicants must complete more than 15 years of school education and hold a Bachelor degree (those who completed only 14 years education in total are required to be 22 years old by April 1st of 2004 and obtain diploma by June 2004). As for the following universities, there are specific requirements:
(a) Applicants for Yokohama National University in Law, it is necessary to have basic knowledge of Laws and a degree of Bachelor in Law.
(b) Applicants for Nagoya University in Law, it is necessary to have basic knowledge of Laws and preferable to hold a bachelor degree in Law.
(c) Applicants for Kyushu University in Public Policy and Administration are preferable to hold a bachelor degree in political sciences or equivalent of social sciences.
(d) Applicants for Ritsumeikan University in Information Technology, it is preferable to have basic knowledge of Information Technology and a degree of Bachelor in related field.
(5) Study field: 1. Law (International Law or Business Law)
2. Public Policy and Administration
3. Economics
4. Business Management
5. Information Technology
6. Engineering (Mechanical Engineering or Production Systems Engineering)
(6) Degree to be obtained: Master's degree (basically, 2-2.5 year-course)
(7) English Proficiency Level for Master's course in Japan: As for the language level, it depends on each field of each university and it is different. For details, see attached to the Application Form section 2 "For your Information".
(8) Health: Applicants must be in good mental and physical health. (Applicants will undergo a medical check-up in Tashkent during selection.)
(9) Language of instruction: English
(Even for those applicants who wish to obtain degree in English, minimum Japanese language knowledge will be required. Therefore, applicants who passed the final selection must participate in Pre-departure Japanese Training in Tashkent for about two months.)
(10). No applicants who are currently receiving (or scheduled to receive) another scholarship shall be eligible for selection. Military personnel registered on the active list or Persons on alternative military service shall be INELIGIBLE for admission.

2. TENTATIVE SCHEDULE OF JDS PROGRAM
(1) Time of commencement of preparatory Japanese training: Middle of April 2004 (Every weekday, full-time basis, in Tashkent)
(2) Time of arrival in Japan: Early July 2004.

3. APPLICATION PROCEDURE
Applicants should submit the JDS's Application Form accompanied with necessary documents (detailed description is provided in "Application Documents" enclosed to the Application Form) to JICE JDS Project Office. The Application Form will be available at the places below from July 28, 2003.

(1) Embassy of Japan in Uzbekistan
- Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 1-28, Sadyk Azimov St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there
(2) JICA Uzbekistan Office
- Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there
(3) Uzbekistan-Japan Center for Human Development
- Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there
(4) JICE JDS Project Office in Tashkent
- Mon. to Fri., 9:30 to 12:30 and 14:00 to 18:00
- 12A, U.Nasir St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there
(5) Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
- Mon. to Fri., 15:00 to 17:00
- 5, Mustakillik St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there

(6) Agency of Foreign Economic Relations of the Republic of Karakalpakistan – 102 A, A. Temur St., Nukus.
(7) AFER of Andijan region - 126, A.Navoi St., Andijan
(8) AFER of Bukhara region -1, Muminov St., Bukhara
(9) AFER of Djizak region – 63, S.Rashidov St., Djizak
(10) AFER of Kashkadarya region – 2, Mustakillik St., Karshi
(11) AFER of Namangan region – 3, B.Mashraba St., Namangan
(12) AFER of Navoi region – 77, Khalklar Dustligi St., Navoi
(13) AFER of Samarkand region – 1, Kuk Saroi St., Samarkand
(14) AFER of Surkhandarya region - 17a, F.Khodjaev St., Termez
(15) AFER of Sirdarya region – 1, Alleya Geroev St., Gulistan
(16) AFER of Fergana region – 53, Al Fargoniy St., Fergana
(17) AFER of Khorezm region - 1, Gafur Gulyam St., Urgench
(18) Business Communications Center (BCC) Andijan – 57, 52, Fitrat St.
(19) BCC Samarkand – 89A, Gagarin St.
(20) BCC Khiva – 1, Jamoat Markazi St.
(21) BCC Djizak – 52A/6, Tashkentskaya St.
(22) BCC Fergana – 57, L.Tolstoy St.

4. APPLICATION DEADLINE: AT 17:00 ON OCTOBER 28, 2003
Applications must be received by JICE JDS Project Office in Tashkent ONLY
(1) 12A, U.Nasir St., Tashkent (Mon. to Fri., 9:30 to 12:30 and 14:00 to 18:00).
(2) P.O.Box 345 (2, Amir Temur St., Tashkent, 700000, Uzbekistan (Central Post Office)
Applications received after the deadline will not be considered.

5. FOR MORE INFORMATION, YOU CAN ACCESS TO INTERNET, THE FOLLOWING WEBSITE:
From July 28, 2003 JDS Homepage – http://www.jds.uz

Reference telephone (Monday to Friday, 14:00 to 17:00 until October 28, 2003)
139-15-60/ 139-15-67 (JICE JDS Project Office)
(We may not answer the details of scholarship itself, selection criteria and so on.)

